



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 10 июль, № 140 (9035)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Йўللарда хавфсизликни таъминлаш ва инфратузилмани яхшилаш масалалари муҳокама қилинди

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 июль куни йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш ва тирбандликларни камайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Худудларда бу борада муайян ишлар қилинмоқда. Сўнгги йилларда йўл қурилиши ва таъмирлашга 61 триллион сўм ажратилган. Бу 2017 йилгача берилган маблағлардан 3,5 баробар кўп.

Онлайн муурожаат тизими ишга тушиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларига келувчилар сони 50 фоизга камайди. Соҳадаги 3 минг 365 нафар ходим электрон планшет ва бодикамера билан таъминланди. Қоидабузарликларни сунъий интеллект асосида саралаш ва қарор чиқариш амалиёти жорий қилинди. Шаҳарларда жамоат транспорти учун махсус йўлақлар ажратилди.

Ўтган ойда ҳам ҳайдовчиларга қатор енгилликлар жорий этилди. Жумладан, биринчи марта ҳуқуқбузарлик қилганларни жазолаш эмас, огохлантириш йўлга қўйилди. Йўл чизикларини босиш ҳолатларини камера орқали фиксация қилиш беқор қилинди. Жамоат транспорти учун мўлжалланган қаторларда кечқурун бошқа ҳайдовчилар ҳам юришига рухсат берилди. Шаҳарларда йўللارни кундузи таъмирлаш таққиланди. Радар бор жойда йўл белгисини ўрнатиш мажбурий бўлди.

Лекин соҳада ҳали долзарб масалалар кўп. Биринчи навбатда, йўл-транспорт ҳодисалари. Ўтган йили 9 минг 364 та шундай ҳодиса содир бўлган. Уларда қарийб 9 минг фуқаро жароҳат олган. Энг ачинарлиси, 2 минг 203 нафар одам ҳалок бўлган.

— Ҳар тўртинчи аварияда бир киши ёки кунига ўртача олти киши вафот этаётгани барчани қаттиқ ташвишга солиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳаракат хавфсизлиги, энг аввало, йўлларнинг ҳолати ва қулайли-

гига боғлиқ. Кўплаб туманларда йўл инфратузилмаси яхшиланиб, автохалокатлар эҳтимоли камайтирилган. Лекин 20 та худудда йўл-транспорт ҳодисалари сони юқори-лигича қолмоқда. Умуман, юрти-мизда бундай ҳодисалар оқибати-даги зарар ялли ички махсулотга нисбатан ўртача 0,4 фоизни таш-кил қияпти.

Шу боис йиғилишда “Хавфсиз йўл” миллий дастури бошланиши маълум қилинди. Бунинг учун “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси фаолияти қайта ташкил қилиниб, ҳукумат бўйсунувига ўтказилади. Бу йил унга барча манбалар ҳисобидан 400 миллиард сўм тушиши ҳисоб-китоб қилинган. Шунингдек, ҳар бир вилоятда жамғарманинг алоҳида ҳисоб рақами бўлади. Ички ишлар тизимидagi йўл белгилари ва све-тофор ўрнатиш, йўл чизиклари чи-зишга масъул корхоналар ҳам ви-лоят тасарруфига ўтказилади.

Жамғарманинг фаолияти шаф-фок бўлади, унинг таркибига ви-лоят ЙХХБ ва йўл бошқармаси бошлиқлари, жамоатчилик вакил-лари киради. Жамғарма маблағла-ри, биринчи навбатда, авария ўчо-клари бўлган хавфли жойларни тар-тибга солишга йўналтирилади. Бу ишлар ҳозирда хавфли бўлиб қолаётган 175 километр узунли-даги 23 та магистраль йўл уаст-касидан бошланади.

Барча туманларда йўл инфрату-зилмасини ривожлантириш бўйи-ча алоҳида жамғармалар ҳам таш-кил қилинган. Энди йўлларнинг ҳолати бўйича аҳоли фикрини ўрга-надиган электрон портал ишга ту-ширилади. Одамлар у орқали қаер-га белги, пиёда йўлаги ва свето-фор кераклиги ҳақида овоз бери-ши мумкин бўлади. Яқунда пор-

талга таклифлар бўйича амалга оширилган ишларнинг видео ва фотолари ҳам қўйилади, буни аҳоли баҳолайди. Янги имконият-лардан фойдаланиб йўлларда ҳаракатни яхшилаб, оғир ҳалокат-ларни кескин камайтириш вазифа-си белгиланди.

Яна бир муаммо — ҳозирда автомобиль йўлларида 1 минг 200 дан ортиқ бурилиб олиш жой-лари бўлса, шундан фақатгина 146 тасида ер ости ва ер устидан бурилиш мумкин. 10 мингдан зиёд пиёда ўтиш жойларининг атиги 154 тасида шундай қулайлик бор.

Шу боис Транспорт вазирлиги-га Жаҳон банки иштирокида Тош-кент — Самарқанд — Термиз, Тош-кент — водий ҳамда Самарқанд — Бухоро йўналишларидаги халқаро йўлларнинг хавфсизлик талабла-рига мослигини диагностика қилиш топширилди. Ушбу тахлил-лар асосида йўлларда бурилиб олиш ҳамда пиёдалар ўтишини хавфсиз қилиш, белгилар ва чи-зикларни қулайлаштириш лойиҳа-лари ишлаб чиқилади.

Юртимизда шаҳарлараро жамо-лат транспорти тизими йўлга қўйил-маган. Автобуслар жадвал вақти бўйича эмас, балки 40 — 50 та йўловчи тўлганда юришга ўрган-ган. Шу боис йиғилишда ўрта ва узоқ масофага қатнайдиغان жа-моат транспортини ривожланти-риш чоралари белгиланди. Бунда Тошкент шаҳри ва вилоятлараро қатнов бўйича алоҳида ёндашув қилинади.

Биринчидан, пойтахт жамоат транспорти ягона агломерация ти-зимига ўтиб, Тошкент вилоятининг барча туташ худудларини қамраб олади. Бунинг учун ҳозирда пой-тахт чеккасида келаётган 20 та автобус йўналиши 15 — 20 кило-

метрга узайтирилади, яна янги 6 та маршрут қўйилади. Сентябр-гача пойтахтга 200 та, кейинги йили яна мингта автобус олиб ке-линади. Натижада Тошкент шаҳри-га 25 мингта енгил машина қатно-ви камайиши кутилмоқда.

Иккинчидан, шаҳарлар ва вило-ятлараро жамоат транспорти қат-новлари яхшиланади. Бу йўналиш-даги автобус ва микроавтобуслар учун йўловчи бошига субсидия бе-рилади. Автобуслар учун утилиза-ция йиғимидан имтиёз яна уч йил-га узайтирилади ва бу микроавто-бусларга ҳам таътиб этилади. Ту-ристлик автобус ва микроавтобус-лар учун божхона божидан имтиёз уч йил давомида жамоат транспор-ти учун ҳам қўланади.

Маълумки, тирбандликнинг са-бабларидан бири — автомобиль тўхташ жойларининг етишмаслиги. Оқибатда Тошкентда ҳам, бошқа йирик шаҳарларда ҳам ҳайдовчи-лар машинасини йўл бўйига қўйиш-га мажбур. Айрим вазирлик ва идо-ралар, ҳокимликлар биноси жой-лашган кўчалар ёпиб қўйилган.

Мутасаддиларга бундай ҳолат-ларга чек қўйиб, барча ташкилот ва маҳалла кўчаларидаги асосиз қўйилган тақиқловчи белгиларни олиб ташлашга қўрсатма берилди.

Транспорт вазирлигига ҳайдов-чилар билан мулоқот қилиш, улар-нинг муаммоларини ўрганиш бўйи-ча электрон платформа яратиш ва-зифаси қўйилди.

Йўлларда ҳайдовчилик мадани-ятини ошириш ҳам жуда долзарб масала. Ўтган йили қарийб 20 мил-лионга кўпол қоидабузарлик содир этилган. Айрим ҳайдовчиларда бу сурункали тус олган.

Энди бундай ашаддий ҳуқуқбу-зарларга қонун кучини кўрсатиш мақсадида “Сурункали қоидабузар-

лар” дастури ишга туширилади. Қарама-қарши томонга ҳаракатла-ниш, қизил чирокда ўтиш ёки тез-лики ошириш каби қоидабузар-ликларни тақроран қилганлар учун бир йилгача жаримадан чегирма берилмайди. Бундай ҳуқуқбузар-ликлар бир ой ичида 10 тадан кўп бўлса, олти ойгача ҳайдовчилик гу-воҳномасидан маҳрум қилинади. Меъёрдан 2-3 қарра тез юрганлар ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилишгача жазоланиши мумкин.

Айрим ҳолларда қоидабузарлик учун орадан бир неча ой ўтгач жа-римма қўллаш қарори чиқарилаёт-гани тушунмовчилик ва эътироз-ларга сабаб бўлмоқда. Эндиликда қоидабузарлик содир этилган кун-дан бошлаб бир ойда қарор чиқ-маса, ҳайдовчи ҳеч қандай жа-римма тўламаслиги белгиланди.

Ҳозирги кунда хавфсизлиги зўр, замонавий машиналар кун сайин кўпайиб бормоқда. Худудлар ўрта-сидаги кўп йўллар юқори тезликда ҳаракатланиш талабларига бема-лол жавоб беради. Шу боис тез-лик чекловларини қайта кўриб чи-қиш кераклиги таъкидланди.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш бўйи-ча янги тизим самара бера бош-лади. Лекин пиёдалар, айниқса, ёшларнинг бу борадаги билим ва интизомини ошириш зарур. Шу мақсадда мактаб ва боғчаларда ҳаракат хавфсизлиги бўйича дас-турлар янгиланади. “Яшил чирок” мусобақалари қайта тикланиб, рес-публика ғолибларига Президент совғаси берилди. Йўл ҳаракати қоидалари бўйича видео ва ани-мацион контентлар яратилади.

Йиғилишда белгиланган вази-фаларни амалга ошириш бўйи-ча мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

ПОЙТАХТИМИЗ ҚИЁФАСИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА МОС ҲОЛДА ЯНГИЛАНАДИ

Давлатимиз раҳбари Тошкент ва Янги Тошкент шаҳри учун «Ечимлар атласи» тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожини пой-тахтимиз қиёфасида яққол намोён. Барча ту-манлар ва шаҳар атрофи-да бунёдкорлик суръати жадал. Сўнгги йилларда Янги Тошкент қурилиши ҳам бошланиб, бир бутун мегаполисга айланмоқда.

Худудни мувозанатли ривожлантириш мақсади-да Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режаси қабул қилин-ди. Унда шаҳарнинг қури-лиш режалари, муҳандис-лик ва йўл-транспорт ин-фратузилмаси, муҳофаза худудлари бўйича асосий кўрсаткичлар белгилан-ган.

“Ечимлар атласи” ушбу бош режанинг мантиқий давоми бўлиб, унда ша-ҳарнинг ташки қиёфаси, кўчалар муҳити бўйича умумий талаблар қайд этилган. Бу каталог-маълу-мотнома қурилмаларни лойиҳалаштириш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини қамраб олган бешта китобдан иборат. Ҳар бир қисмда жамоат жойларини таш-киллаштириш ва ободон-лаштириш, биноларнинг ташки қисмини ягона меъморий қиёфага келти-риш бўйича тавсиялар берилган.

Масалан, ҳозирги стан-дарт бўйича йўлларни қуриш ва таъмирлаш қат-нов қисмининг “қизил чи-зиғи”гача бажарилади. Ривожланган шаҳарлар тажрибасида бу кўчанинг икки тарафидаги бинодан биногача тамойилида амалга оширилади. Шун-да ораликда қаровсиз жой қолмай, йўл бўйи ях-лит ва мутаносиб ободон-лаштирилади.

Атлас шаҳар муҳитини лойиҳалашда барқарор ривожланиш мақсадлари-ни ҳамда миллий коло-ритни таътиб этишга хизмат қилади. Ўйун ва экологик тоза масканлар-ни яратишга кўмаклашиб, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилайди. Оқик жамоат жойларини ривожланти-риш бўйича янги лойиҳа-ларда ҳатоларга йўл қўймаслик имконини бе-ради.

Тақдиротда ушбу талабларнинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар қўриб чиқилди. Шаҳарнинг ўзига хослигини сақлаган ҳолда қиёфасини янада яхшилаш, йўл бўйларини ободонлаштириш, турмуш маданиятини ошириш бўйича кўрсатмалар бе-рилди.

Ў.З.А.

Саммит

Ўзбекистон — БРИКСнинг яқин ҳамкори

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси 6-7 июль кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликка асосланган халқаро ташкилот — БРИКСнинг 17-саммитида иштирок этди.

Ушбу нуфузли форумда 38 та дав-лат ва халқаро ташкилотларнинг деле-гациялари қатнашди.

Саммит доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва уни мольлаштириш, тинчлик ҳамда хавфсиз-ликни таъминлашда алоқаларни мус-таҳкамлаш, сунъий интеллектни ривож-лантириш ва соғлиқни сақлаш тизими-ни интеграциялаш каби масалалар му-ҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон делегация-си анжуман иштирокчиларига мамла-катимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, жумладан, иқти-содиётни модернизациялаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини такомил-лаштириш, камбағалликни қисқарти-риш, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш тўғрисида атрофлича маълумот берди.

Саммит якунида декларация қабул қилиниб, унга кўра Ўзбекистон БРИКСнинг ҳамкорига айланди.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда БРИКСга аъзо давлатларда 3,5 милли-ард аҳоли истиқомат қилмоқда. Бу кўрсаткич жаҳон аҳолисининг 45 фои-зини ташкил этади. Уларнинг умумий ялли ички махсулоти 60 триллион дол-лардан ошиб кетади ва бу — жаҳон иқтисодиётининг 37 фоизи демек. Қолаверса, БРИКС дунёнинг 20 фоиз экспортини назорат қилади.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРГА АСОСЛАНГАН ИТТИФОҚЧИЛИК



Бугунги глобаллашув ва геосиёсий ўзгаришлар фониди Марказий Осиё ҳамда Кавказ минтақасидаги давлатлар ўртасидаги стратегик ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, қардош Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари янги боқичга кўтарилаётгани минтақавий барқарорлик ва тараққиёт учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мулоҳаза

Президент Шавкат Мирзиёев-нинг яқинда Озарбайжонга амалга оширган давлат ташри-фи икки давлат ўртасидаги дўстона, стратегик шериклик ва иттифоқчилик алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш йўлида муҳим сиёсий қадам-лардан бири сифатида баҳо-ланмоқда. Ташриф давомида Боку шаҳрида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги Дав-

латлараро олий кенгашнинг ик-кинчи мажлиси ҳамда бошқа бир қатор учрашувлар бўлиб ўтди. Мазкур мулоқотларда икки томонлама ҳамкорлиқнинг ҳозирги ҳолати, уни янада чу-яни босқичга олиб чиқиш йўлида муҳим мустақамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт-логисти-ка, энергетика, қишлоқ хўжа-лиги, маданият ва бошқа соҳа-ларда ўзаро манфаатли лойи-

ҳаларни амалга ошириш маса-лалари кўриб чиқилди.

Президентлар — Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев-нинг тор доирадаги учрашу-ви икки давлат ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабат-ларини янада чуқурлаштириш, устувор йўналишларда коопе-рацияни кенгайтириш нуқтаи назаридан муҳим сиёсий

воқеа бўлди. Мазкур учрашу-вада ўзаро ҳамкорлиқнинг барча соҳаси батафсил таҳлил қилин-ди. Жумладан, иқтисодий ало-қаларнинг жадал суръатда ри-вожланаётгани қайд этилди. Товар айирбошлаш ва инвес-тициялар ҳажминини йилига 1 млрд. долларга етказиш им-кониятлари атрофлича кўриб чиқилди.



ИШЧАН ВА ЖОЗИБАДОР МУҲИТ САМАРАЛАРИ

Факт ва рақамлар

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар ўсмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг беш ойида давомида:

- саноат 6,4 фоиз;
- экспорт миқдори 18 фоиз;
- хорижий инвестициялар 46 фоиз ошган.

Қиймати 3 миллиард долларлик 2,5 мингдан зиёд янги қувватлар ишга тушди. 2 миллион 400 минг одам даромадли бўлган.

Шу билан бирга, йилнинг қолган даври мобайнида:

- 26,5 миллиард доллар инвестиция киритилиши;
- 1 сентябрга қадар 3,3 миллиард долларлик 35 та йирик лойиҳа ишга туширилиши кўзда тутилган.

Сенат кўмитасида

ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ЎТИШ ОЗОДЛИККА ЧИҚИШНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ



Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Жиноят кодексининг қатор моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, оғир, ўта оғир ва коррупцияга оид жиноят содир этган шахсларнинг жазони ўташ муассасасида бўлиш муддатлари узайтирилди. Шунингдек, жазо муддатини тўлиқ ўташи лозим бўлган маҳкумлар тоифаси ҳам кенгайтирилди.

Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, 2-3 йилдан сўнг жазони ўташ муассасаларида сақланаётган маҳкумлар сони ва сигими масаласини кун тартибига чиқариб, муқобил чоралар кўришни тақозо этади.

Бундан ташқари, сўнгги вақтларда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларнинг ҳужжатсиз транспортни бошқариши билан боғлиқ кўплаб қонбузарликлар ҳам содир этилмоқда.

Шу боис Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодекслари-га маҳкумларнинг жазони ўташ муддати улар тузалиш йўлига ўтганлиги муносабати билан қисқартирилишини назарда тутувчи, шунингдек, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

МУАММОЛАРГА БИРГАЛИКДА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи фуқаролар Олий Мажлис Сенати ва сенаторларга солиқлиқ сақлаш тизими, тиббий ёрдамга оид, суд ишлари, прокуратура органлари фаолияти, низоли уй-жой ҳамда тураржой билан таъминлаш масалалари юзасидан мурожаат қилиши табиий ҳол. Сенаторлар жойларга чиқиб ёки Сенат биносидан мурожаатчилар билан учрашувлар ўтказди ва бу муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўради.

Худди шундай қабуллардан бири Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Орал Атанязова томонидан ўтказилди.

Сенатор йўлланган ҳар бир мурожаатни ўрганиб, тегишли ҳужжатлар асосида жойида мутасадди идора ва ташкилот, хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура хузуридаги Мақбурий ижро бюроси ҳамда вилоят ҳокимликлари билан боғланди ва муаммоларга аниқ ечимлар топиб бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Жумладан, Фаргона вилоятидан операция учун ёрдам сўраб келган

«Халқ сўзи».

МУХОЛИФАТ ФРАКЦИЯСИ ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯСINI БИЛДИРДИ

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган ялпи мажлисда қатор қонун лойиҳалари депутатлар томонидан кўриб чиқилганди. Мунозаралар, тортишувлар руҳида ўтган мажлисда расмий статистика соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Парламентдаги мухолифат — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ушбу қонун лойиҳаси ташаббускорларига жиддий эътироз билдирди. Фракциянинг қатъий позициясидан сўнг қонун лойиҳаси қайта ишлаш ва маромига етказиш шarti билан масъул кўмитага қайтарилди.

Ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек ИНОЯТОВ фикрлари билан қизикдик.

Интервью

— Улуғбек Илясович, айтинг-чи, қонун лойиҳаси нега мухолифат фракциянинг эътирозига сабаб бўлди?

— Агар кузатган бўлсангиз, кейинги пайтларда қонун лойиҳалари муҳокамаларида сиёсий партиялар фракцияларининг қатъий позицияларини кўриш мумкин. ЎзХДП фракцияси эса парламентдаги мухолифат сифатида ҳар бир масалага танқидий ва ўта талабчанлик билан қарайди. Дарҳақиқат, куни кеча ялпи мажлисда ҳам фракция мухолифат сифатида яна бир муҳим қонун лойиҳасига ўз қатъий позициясини билдирди. Эътирозимиз, албатта, асосли.

Гап шундаки, бугун мамлакатимизда барча соҳанинг изчил ривожланиши учун кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, статистика соҳасини оладиган бўлсак, тизимни тубдан ислох этиш бўйича зарур чора-тадбирлар қабул

қилинди. Бу бежиз эмас. Чунки статистик маълумотлар жамият тараққиётида ишончли маълумот манбаи, давлат бошқаруви ва ижтимоий соҳалар, манзилли дастурларни ишлаб чиқиш, фуқаролар салома-лигини мустаҳкамлаш, оилаларга моддий кўмаклашишда муҳим аҳамиятга эга. Энг асосийси, ягона маълумотлар базаси мамлакатимиз келажаги, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун ишлаб чиқил-дан ҳужжатларда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шу нуктаи назардан, мазкур қонун лойиҳасини танқидий кўриб чиқиш, ундаги камчиликларни кўрсатиш, шу орқали ушбу ҳужжатнинг янада халқчил, асосланган ва тўғри бўлишини таъминлаш мухолифатнинг асосий вазифасидир.

Алоҳида айтиш жоизки, Ўзбекистон Президентининг жорий йилдаги статисти-ка ишларини ташкил этиш ва юритиш ти-зимини янги босқичга олиб чиқишга оид тегишли Фармони ва қарори соҳани энг замонавий талаблар асосида ислох қилиш-нинг муҳим ташкилий-ҳуқуқий асосларини

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРГА АСОСЛАНГАН ИТТИФОҚЧИЛИК

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, етакчилар Ўзбекистон — Озарбайжон кўп қиррали ҳамкорлик дастурини шакллантиришга киришганлари-ни билдирди. Ушбу дастур са-ноат, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, туризм, банк, транспорт ва энергетика каби стратегик тармоқларни қамраб олади.

Боку шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида икки дав-лат ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Рес-публикаси Президенти Илҳом Алиев Давлатлараро олий кен-гашнинг иккинчи йигилиши до-ирасида кенг кўламли ҳужжат-лар тўпламини қабул қилди. Ушбу ҳужжатлар нафақат мав-жуд ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш,

балки уни узоқ муддатли, бар-қарор асосга ўтказиш нуктаи назаридан ҳам тарихий аҳа-мият касб этади.

Хонкенди шаҳрида ўтказил-ган Иқтисодий ҳамкорлик таш-ноат, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, туризм, банк, транспорт ва халқаро даражадаги иқтисо-дий шериклик масалаларига фаол ҳисса қўшаётганини яна бир бор тасдиқлади. Бу нафа-қат Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги, балки бутун минта-қадаги интеграцион жараёнлар ва барқарор тараққиётга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида имзоланган ҳужжат-лар, жумладан, саноат коопе-рацияси, товар айирбошлаш, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ҳимоя, кemasозлик ва худуд-лараро биродарлик алоқалари бўйича битимлар икки давлат

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАМУНАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 19 ноябрда Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида-ги нутқида илгари сурилган ташаббуслар асосида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини “намунали” ташкил этиш вазифаси белгиланган эди.

Семинар

Унга кўра ҳар бир ҳудудда биттадан фаолияти намунали йўлга қўйилмадиган туман (шаҳар) Кенгаши рўйхати тасдиқланиб, асосий мезонлар бел-гиланган ҳамда ушбу масалага масъуллар бирик-тирилган эди.

Бугунги кунда масъуллар томонидан жойларда белгиланган туман (шаҳар) Кенгашлари фаоли-ятини намунали йўлга қўйиш учун ҳам амалий, ҳам услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Аввал хабар қилганимиздек, “Маҳаллий Кенгаш-лар фаолиятини намунали ташкил этишининг ус-тувор йўналишлари: муаммо ва ечимлар” мавзуй-даги ўқув семинарлари мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб давом этмоқда.

МУРОЖААТЛАРДА — ИНСОН ТАҚДИРИ

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ҳудудларда учрашувлар ва сайёр қабуллар ўтказиши анъана тусига кирган. Аҳоли би-лан ташкил этилаётган бундай очиқ ва самимий мулоқотларда фуқароларнинг мурожаатлари атрофлича кўриб чиқилмоқда.

Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва эколог-ия кўмитаси раиси ўринбосари С. Абдикаримова Хоразм вило-яти аҳолиси томонидан пар-ламент юқори палатасига йўлан-ган мурожаатларни ўрганиш мақсадида маҳаллий Кенгаш де-путатлари, котибият мудирилар, маҳаллий ижро ҳокимияти масъ-уллари билан биргаликда худуд-ларда бўлди.

шахсларга берилаётган имтиёз-ларни кенгайтириш бўйича так-лифлари кўриб чиқилди ва масъул идораларга тегишли тав-сиялар берилди.

Шу билан бирга, сенатор ҳамда Янгибозор тумани ҳокими раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ аъзо-лари фуқаро Ш. Саймамутовнинг уй-жой таъмири бўйича йўлла-ган аризасини, Богот туманида яшовчи М. Ҳакимованинг шеър-лар тўпламини чоп этиш ва уни вилоят маънавий-маърифий тад-бирларида тақдим қилиш бўйи-ча мурожаатини ҳам атрофлича ўрганди. Якунда уларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди.

«Халқ сўзи».

ланаётгани масаласи ҳам кўтарилди. Шу бўйича тўхталиб ўтсангиз.

— Тўғри, қонун лойиҳаси билан Миллий статистика кўмитасига кенг ваколатлар бе-рилиши назарда тутилмоқда. Мисол учун, ундаги расмий статистикани тайёрловчи-лар тўғрисидаги моддага давлат органла-ри ҳамда хўжалик бирлашмаларини статисти-ка дастурларига расмий статистикани тайёрловчи сифатида киритиш Миллий ста-тистика кўмитаси томонидан белгиланган мезонлар асосида амалга оширилишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Бундай мезонлардан бири сифатида расмий статистикани тайёрловчи сифати-да статистика дастурларига киритилиши назарда тутилаётган орган “Расмий статис-тика тўғрисида”ги Қонун қоидалари ва расмий статистиканинг принципларига амал қилиш салохиятига, зарур шароит ҳамда инфратузилмага, шу жумладан, етар-ли ҳодимларга эга бўлиши белгиланган.

Бироқ мазкур мезонга жавоб бериш қай тартибда аниқланиши мавҳум бўлиб қолган. Бундан ташқари, Миллий статистика кўми-тасига ушбу ваколат берилиши ҳуқуқий жи-ҳатдан асослантириб берилмаган. Бу соҳа-да коррупциявий муҳитнинг пайдо бўлиши эҳтимолини оширади деган хавотирдамиз.

Фракциямиз талаби шундай: қонун лойиҳасида Миллий статистика кўмитаси-га берилиши назарда тутилаётган барча ваколат ҳам ҳуқуқий асослантирилиши, ме-ханизмлари аниқ очиб берилиши керак.

Шундан келиб чиқиб, фракция аъзола-ри қонун лойиҳасини тўлиқ қайта кўриб чиқиш мақсада мувофиқ деган умумий ҳулосага келди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



«ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ»НИ ҚИСҚАРТИРИШДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасида тегишли вазирлик ва идораларнинг “Яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш орқали солиқ базасини кенгайтириш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда “яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш стратегиясини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ахборотлари эшитилди.

Кўмита эшитувида Иқтисо-диёт ва молия вазирлиги, Миллий статистика кўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солиқ кўмитаси-нинг масъуллари иштирок этди. Муҳокамада “Ўзбекис-тон — 2030” стратегиясида белгилаб берилган “яширин иқтисодиёт”нинг улушини қисқартириш орқали Давлат бюджетининг даромадларини мустаҳкамлаш ва тадбиркор-лик муҳитини яхшилаш маса-лаларига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, мамла-катимизда “яширин иқтисо-диёт”га қарши курашиш ус-тувор йўналиш сифатида бел-гиланган бўлиб, қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, рақамлаштириш, бизнес му-ҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш ҳамда бу бо-радаги ишлар бўйича фуқа-роларни хабардор қилиб бориш долзарб вазифа сифа-тида қаралмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг қонуний фаолият юритиши, солиқ со-лиш базасининг ортиб бори-ши, тадбиркорлар учун тенг рақобат муҳитининг шаклла-нишига хизмат қилади.

Муҳокамаларда депутатлар қишлоқ хўжалиги, савдо, са-ноат, қурилиш ва хизматлар соҳаларида норасмий опера-циялар улуши ханузгача юқори бўлиб қолаётганлигини тан-қид остига олди. Мазкур йўна-лишда ишларни тўғри ташкил-лаштиришда қонунчиликка қатъий амал қилиш, ички на-зорат тизимларини жорий этишда халқаро ташкилотлар-нинг тавсиялари ва хорижий тажриба кенг қўлланилиши ло-зимлиги таъкидланди.

Халқ вакиллари “яширин иқтисодиёт” кўламини қисқар-тириш борасида мамлақати-мизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан айрим соҳаларда-ги камчиликларга эътибор қаратишди. Хусусан, давлат харидларини рақамлаштириш, тендер ва аукцион савдола-рида шаффофликни ошириш, тадбиркорларга солиқ юқини камайтириш ҳамда солиқ маъ-муричилигини такомиллашти-риш орқали мамлакатимизда “яширин иқтисодиёт” улуши-ни камайтиришга йўналтирил-ган тизимли чораларни кўриш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир якунида “яширин иқтисодиёт”га барҳам бериш-да мутасадди вазирлик ва идоралар олдида турган ва-зифаларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбир-лар белгилаб олинди. Шунинг-дек, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартиришда давлат орган-лари, хусусий сектор вакил-лари ҳамда кенг жамоатчилик-нинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича тақлиф ва тав-сиялар билдирилди. Бу бора-даги ишларни самарали да-воми еттиришда парламент на-зоратини янада кучайтириш зарурилиги айтилди.

Кун тартибидеги масала юзасидан кўмитанинг тегиш-ли қарори қабул қилинди.

26 МАРОТАБА ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛГАН

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси томонидан 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида фракция қонун ижод-корлиги жараёнларини янада такомиллаштириш, сайловчи-лар билан мулоқотни кучай-тириш, жойларда фуқаролар-ни ўйлантириб келаётган ти-зимли муаммоларни таҳлил қилиб бориш, партиялараро рақобатни ривожлантириш ҳамда ижро органлари фао-лияти устидан таъсирчан пар-ламент нazorатини ўрнатиш-га алоҳида эътибор қаратди.

Фракция қонун ижодкорли-ги, назорат-таҳлил ҳамда бошқа тадбирларни самара-ли ташкил этиш мақсадида асосий йўналишларни аниқ белгилаб олган. Хусусан, қонун ижодкорлиги йўналиши-да фракция аъзолари депу-татлар ташаббуси билан Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилган 5 та қонун лойиҳасига ҳам таша-бускор бўлди.

Фракция ҳисобот даврида чиқиндилар билан боғлиқ иш-ларни рўёбга чиқариш соҳа-сидаги муносабатларни тар-тибга солиш, атроф-муҳит мо-ниторинг самарадорлигини оширишга қаратилган 6 та қонун лойиҳасини тайёрлаш-да иштирок этди.

Шунингдек, фракция та-шаббуси билан ишлаб чиқи-лаётган ҳамда Қонунчилик па-латасида қўрилаётган қонун лойиҳаларини жойларда партия қўйи бўғинларида кенг жамоатчилик иштирокида му-ҳокама қилиш, таништириш, қонун лойиҳасига асосли, аниқ ҳулоса ва тақлифларни олиш йўлга қўйилган.

Йиғилишда парламент ҳамда депутатлик назоратини олиб боришда фракция та-шаббуси билан тегишли ва-зирликларга парламент сўро-ви юборилгани қайд этилди. Қонунчилик палатасининг ре-гламентига мувофиқ, ҳар ой-нинг охириг ҳафтасида фрак-ция аъзоларининг ўз сайлов округларидеги ўрганишлари ташкил этилган. Аниқланган муаммо ва камчиликлар юза-сидан давлат, хўжалик бош-қаруви органларининг мансаб-дор шахсларига 26 маротаба депутатлик сўрови юборилган.

Ўрганишлар давомида де-путатлар томонидан сайлов округидаги жами 182 та маҳалла фуқаролар йиғини, 270 та хонадонга ташриф бу-юрилиб, 281 учрашув ўтказил-ган, 227 та ижтимоий соҳа объектининг фаолияти билан аниқдан танишилган.

Ўтган вақт давомида қуйи палатага фракция аъзолари номига фуқаролардан 133 та электрон шаклдаги мурожаат келиб тушган. Уларнинг акса-рияти ўз ечимини топган.

Йиғилишда, шунингдек, фракциянинг иккинчи ярим йилликка мўлжалланган иш режаси муҳокама қилиниб, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАР ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА САМАРА БЕРИШИ ЗАРУР

Мамлакатимизда сўнгги 7-8 йилликда деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини кўтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Фикр

Хусусан, жорий йил февраль ойида қабул қилинган “Томорқа ер эгалари ва деҳқон ҳўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони билан томорқа ерлари ва деҳқон ҳўжаликлари ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳада замонавий бошқарув тизимини қўллаш, маҳаллаларнинг иқтисослашувидан келиб чиққан ҳолда юқори даромадли ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш механизмлари жорий этилди.

Шунингдек, 2025 йил бошидан буён 867 та “оғир” тоифадаги маҳаллага сув чиқариш учун 1,4 трлн. сўм маблағ ажратилди. Бунинг ҳисобига 662 минг хонадондаги жами 80 минг гектар томорқага 25 — 30 йил ичида илк бор сув етиб борди. Бу ўртача ҳисобда 3 миллиондан кўп аҳоли ҳаётида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлган воқеалик саналади.

Бироқ айрим масъул идораларнинг бепарволиги сабаб 662 минг хонадоннинг барчаси ҳам сердаромад экин экиб, 2-3 марта ҳосил олаётгани йўқ. Чунки ушбу аҳоли 1 сўмлик сувдан 2-3 сўмлик даромад олишга ўргатилмаган. Натижада миллиардлаб маблағ эвазига ташкил этилган инфратузилмадан тўлиқ фойдаланилмапти. Бу эса фақат сув етиб бориши билан эмас, балки локал иқтисодиёт ва таъриба йўли билан тўлғаланишга амалга оширилиши керак бўлган жараён ҳисобланади.

Мисол учун, жорий йилда Қорақалпоғистондаги 89 та маҳаллага 150 млрд. сўм маблағ берилган. Шу боис мутасаддиларга бу маҳаллаларда томорқадан 350 — 400 млрд. сўмлик қўшимча маҳсулот олиш бўйича тизим яратиш топширилди. Бу шунчаки маблағ ажратиш эмас, ички иқтисодиёт-

ни жонлантириш, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, даромадини кўпайтириш демакдир.

Қолаверса, ҳар бир туманда 5 тадан, жами 1 156 та драйвер лойиҳа инфратузилмасига 300 млрд. сўм ажратилган. Лекин Бухородаги 27 та, Навоийдаги 22 та лойиҳа бўйича қурилиш бошланмаган. Жиззах, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ҳам ишлар режадан 1-2 ойга кечикмоқда.

Яна бир факт: 16 та тумanning ҳар бирини жадал ривожлантиришга 70 млрд. сўмдан пул ажратилди. Биринчи босқичда 336 млрд. сўм берилган бўлса-да, Чимбой, Асака, Чортоқ туманлари ҳокимлари ўз лойиҳаларини қайта-қайта ўзгартириб, вақтни ҳай бермоқда, натижада аҳоли кутган натижа кечикмоқда. Бу эса ўша худуд аҳолиси ҳаётида рўй бериши лозим бўлган ижобий ўзгаришларнинг ўз вақтида амалга ошмаслигига сабаб бўлаётир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ушбу жараёнларда депутатлар иштироки етарли даражада бўлмапти. Сабаби, бугунги ислохотлар жараёнида биз, депутатларнинг иш столида эмас, майдонда — халқ ичида бўлиши ислохотлар натижадорлигининг ошишига хизмат қилади. Чунки депутатлар маҳаллий ҳокимият ва ижро органлари устидан назорат функциясини фаол амалга оширса ҳамда қонуний асосда ҳал бўлмай келаётган масалаларни ўз вақтида Кенгаш муҳокамасига чиқарсатишга жойларда кутилган натижага ўз вақтида эришиш мумкин.

Ҳар бир ислохот, ҳар бир ҳужжат одамлар ҳаётини яхшилаш учун қабул қилинади. Лекин уларнинг ҳаётида самара бериш-бермаслиги депутатларнинг фаоллиги, халқ билан мулоқоти, муаммонинг ечимини талаб этишга бўлган жасоратига боғлиқ.

Дилрабо ХОЛБЕКОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

СИФАТЛИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

САМАРҚАНД ШАҲРИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ, САМАРАЛИ ВА ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар давлат бошқарувини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бунда микдор, шакл, сифат ва мазмун ўзгаришлари бевосита давлат хизматлари трансформациясига, интеграциялашган тизимлар ҳамда аҳолининг давлат хизматларига бўлган ишончига бевосита боғлиқдир. Мазкур вазифа давлат ва жамиятнинг тараққиётига туртки бўладиган омиллардан оқилона фойдаланиш, илгор мамлакатлар тажрибасида синалган ёндашувларни кенг қўллашга ундайди.

Мушоҳада

Янги Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими ислохоти “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғояга асосланган ҳолда амалга оширилиши инновацион тараққиёт учун асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида қаралмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция-мизнинг 37-моддасида мустаккамлаб қўйилган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига қиришда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Давлат хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қонун билан белгиланади”, деган нормадан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислох қилишга қаратилган кенг қўлмали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Президентимизнинг мамлакатимизда кадрлар сиёсати ҳамда давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2022 йил 8 августда имзоланган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун эса бу борадаги кўпгина муаммоларга ҳуқуқий ечим бўлди. Шу билан бирга, “Ўзбекистон — 2030” стра-

тегиясининг бир неча мақсадларида давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш, профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш билан боғлиқ вазифалар назарда тутилган.

Шу жиҳатдан, Ёрилшанган Миллатлар Ташкилотининг Давлат хизмати бўйича форумининг 23 — 25 июнь кунлари Самарқандда ўтказилгани беҳиз эмас. Мазкур форумда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларидан келган 400 дан зиёд юқори лавозимли давлат хизматчилари, академиклар, экспертлар, шунингдек, фуқаролик жамияти вакиллари қатнашди. Форум ўз мазмуни ва моҳиятига кўра нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда давлат бошқаруви ва давлат хизматларини ривожлантириш бўйича энг йирик халқаро плат-формага айланди.

“2030 йилга қадар 5 йил: барқарор келажак учун хизмат кўрсатиш жараёнларини жадаллаштириш” мавзuida ўтказилган мазкур халқаро анжуман давлат хизмати раҳбари таъкидлаганидек, глобал тараққиётда муҳим ўрин тутадиган давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини такомиллаштириш, уни замон билан ҳамнафас ҳолда янги босқичга кўтариш, кадрлар салоҳияти ва уларнинг фаолият самарадорли-

лари портали (my.gov.uz) орқали фуқаролар ва тadbirkorлик субъектлари 760 дан ортиқ электрон хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, рўйхат-суд ўтган фойдаланувчилар сони 11 миллиондан ошди. 208 та давлат хизматлари маркази тармоғи республика бўйлаб фуқароларга турли хизматлардан фойдаланиш имконини бермоқда.

Эришилган натижаларнинг халқаро эътирофини рейтинглар ҳам тасдиқламоқда. 2024 йилда Ўзбекистон биринчи марта “Электрон ҳукумат”ни ривожлантириш рейтингининг “жуда юқори” даражасига эга мамлакатлар гуруҳига кирди ва “GovTech” етукили индексиде 37 поғонага кўтарилиб, “А” тоифага эга бўлди. Ушбу эътироф давлат секториде инновацияларни рағбатлантириш, рақамли трансформацияни тезлаштириш ва барқарор ривожланиш мақсадларининг “ҳеч қимми ортда қолдирмаслик” тамойилига мувофиқ давлат хизматларидан кенг ҳамда тенг фойдаланишнинг тарғиб қилишда муҳим қадам ҳисобланади.

Бетақор Самарқанд заминиде ўтказилган БМТ Давлат хизма-

ти бўйича форуми иштирокчиси сифатида шуни таъкидламоқчиманки, тadbirkor хулоса ва натижалари давлат хизмати ва самарали давлат бошқарувиға оид янги мақсад ҳамда марралар, имкониятларни очиб беради. Форум доирасида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, самарали ва халқчил давлат механизмларини жорий этиш, халқ билан мулоқот, давлат хизматини трансформациялаш борасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш имкони яратилади. Шу билан бир қаторда, форум дунё давлатлари давлат бошқаруви ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ стратегик ёндашув элементларини ишлаб чиқиш ҳамда ижтимоий ҳаётимизга тизимли таътиб этиб боришга хизмат қилади.

Яна бир жиҳати — “Маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика” тизими орқали давлат хизматлари билан энг чекка худудларни ҳам қамраб олиш, уларга халқчил инновацион ва рақамли ечимларни жорий этиш, аҳоли учун хизмат сифати ҳамда тезкорлигини оширувчи усул ва воситаларни ишлаб чиқишга туртки беради.

Бетақор Самарқанд заминиде ўтказилган БМТ Давлат хизма-

Шундан келиб чиқиб, сифатли давлат хизмати — инсон ва жамият ўртасидаги ишонч кўприғи сифатида тараққиётнинг асосий мезони эканига эътибор қаратиш мақсада мувофиқ. Шунингдек, давлат хизматида инсонга йўналтирилган бошқарув тамойилини жорий этиш, қўйи, ўрта ва юқори бўғин давлат хизматчилари фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш янги имкониятлар ошиғини очади. “Давлат хизмати — ҳусусий сектор — фуқаролик жамияти институтлари” тамойили асосида соҳа ва тармоқларнинг хизматлар интеграцияси самарадорлигини ошириш очик ҳамда хисобдорлик механизмларини жорий қилиш имконини беради. Барча соҳа ва тармоқларга инклюзивлик, корпоратив бошқарув андозаларни таъкид этиш эса иқтисодиётни юксалтиришнинг ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза моделига ўтиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бехзод РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти ҳокимлиги
Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари.

СОҒЛОМ РАҚОБАТНИНГ ТАЪМИНЛАШ — ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ «ЎСИШ НУҚТАСИ»

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни янада либераллаштириш, амалиётга бозор иқтисодиёти тамойилларини кенг жорий этиш энг устувор вазифалардан бирига айланган. Зеро, монополияга барҳам беришга туриб, рақобатни ривожлантириш, яқин истиқбол учун белгиланган марраларга эришиш ўта мушкул.

Маълумки, бозорда бир ёки бир неча йирик иштирокчининг устунлиги, аввало, рақобатни чеклайди, қолаверса, нархларнинг сунъий равишда ошишига, маҳсулот ва хизматлар сифатининг пасайишига, инновацияларнинг сустлашишига, охир-оқибат коррупциянинг илдиш отишига олиб келади. Рақобат эса, аксинча, истеъмолчилар учун кенг имкониятлар яратади, нархларни оптималлаштиради, сифатни оширади ва инновацияларни рағбатлантиради. Шу боис юртимизда монопол корхоналар сонини кескин қисқартириш, иқтисодиётнинг барча тармоғига ҳусусий секторни кенг жалб этиш чора-тадбирлари тобора кучайтириляпти.

Нуктаи назар

Давлатимиз раҳбари бундан беш йил бурун ушбу масалага тўхталиб, “Замон ўзгаряпти, лекин монопол корхоналар ўзгара олмапти. Қатъий чоралар кўриш вақти-соати келди. Иқтисодиётда бу ҳаёт-мамотимиз”, дея таъкидлаган эди. Ва рақобатни ривожлантириш ҳамда монополияга қарши курашиш борасида мутлақо янги тизим яратиш лозимлигига эътибор қаратганди. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунончи, совет давридан мерос бўлиб қолган давлат корхоналарининг устунлиги, ҳусусийлаштириш жараёнидаги камчиликлар, бюрократик тўсиқлар, лицензиялаш ва рўхсат бериш тартибларининг мураккаблиги каби омиллар монополистик ҳолатларнинг сақланиб қоллишига ёки янгидан вужудга келишига сабаб бўлаётган эди. Айниқса, энергетика, транспорт, телекоммуникация, коммунал хизматлар каби соҳаларда монополия юқори даражада сақланиб қолётгани сиқ эмасди. Бу эса, ўз навбатида, бошқа соҳаларнинг ривожланишига ҳам тўсиқлик қилаётган эди.

Хусусий секторга кенг йўл

Жаҳон тажрибасидан маълум, монополиянинг энг кўп учрайдиган тури — табиий монополия. Унинг мавжудлиги рақобат етишмаслиғи билан изоҳланади. Бу ҳақда қанг кетганда, МДХ давлатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам яқин-ақингача истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ билан таъминлаш давлат мажбурияти сифатида белгиланиб, иқтисодиётнинг энергетика тармоғида давлат устун мақега эга бўлганини айтиш жоиз, албатта. Аммо мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ушбу соҳаларга ҳам ҳусусий сектор кенг жалб этила бошланди.

Дарҳақиқат, халқаро таъриба ўрганилган ҳолда, шу каби иқтисодиётнинг

атдан 3 кунга узайгани учун тadbirkorлар йилига 57 млрд. сўм тежаяпти. Авиация соҳасида ҳусусий компаниялар сони 14 тага етди. Қўшимча 6 та юк ва 16 та йўловчи ҳаво кемаси олиб келинди. Бухоро, Наманган аэропортлари ҳусусий шерикликка берилди, Андижон ва Урганч аэропортлари бўйича тендер давом этапти. Демак, бошқарув соҳасидаги ислохотларнинг ҳал қилувчи йўналиши, бу — давлатнинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри аралашувини қисқартиришдир.

Эксклюзив ҳуқуқ ва имтиёзлар даври ўтди

Замон иқтисодиётда ҳукумат улуши катта бўлган тизимнинг рақобатбардош эмаслигини кўрсатди. Мазмурий бошқарувда ислохотларнинг ҳал қилувчи кучи ҳусусийлаштириш ва монополияга барҳам бериш экани кундек равшан бўлди. Шу боис ҳусусий бизнесни ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги улуши ва ролини оширишга қаратилган ишлар ой сайин кенг қўлам касб этмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, озик-овқат саноати, мебелсозлик, тўқимачилик соҳаларида ҳусусий сектор етакчилик қилмоқда. Илгари юқори даражада монополиялашган қурилиш материаллари, кабелъ маҳсулотлари ва пул ўтказиш хизмати каби соҳаларда эса яқна ҳукмронликка барҳам берилди. Буларнинг ҳисобига мамлакатда монопол корхоналар сони икки баробар қискарди. Аммо соҳада ўз ечимини кутаётган тизимли масалалар ҳам йўқ эмас. Масалан, молия ва капиталлар бозорларида давлат иштироки баланглигича сақланиб қолмоқда. Банк секторининг 80 фоизи давлат иштирокида фаолият кўрсатганди бунга яққол мисолдир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва ҳусусий сектор учун кенг йўл очиш, эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва монополияларни тутатишга алоҳида уруғ берилган. Тан олиш керак, иқтисодиётга давлат аралашувини қамайтириш, йирик монополияларни тийиб туриш бўйича қилинган ишлар рақобат муҳитига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Урганишларга кўра, айрим ташкилотларда рақобатга зид қарорлар чиқариш, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, савдода устун мақедадан фойдаланиш каби ҳолатлар, минг афсуски, ураб турибди. Шу боис соҳадаги ишлар қамрови ва самарадорлигини ошириш мақсадида Рақобатни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Унда иқтисодиётда давлат иштирокини қамайтириш, бозорга қиришни эркинлаштириш, тadbirkorларга тенг шaroитлар яратиш бўйича навбатдаги қадамлар белгилан олинди. Масалан, унда тadbirkorлик

субъектларининг бозорларга эркин қиришини қийинлаштирувчи норматив-ҳуқуқий моддалар ва ортиқча талаблар бекор қилиниши кўзда тутилган. Бундан ташқари, тартибга солиш юқини қисқартиришга қаратилган енгилликлар жорий этилиб, жумладан, рўхсат бериувчи жараёнлар ва лицензиялар жавобгарлиқни мажбурий суғурталаш билан алмаштирилди. Табиий монополия соҳаларида мустақил бозор регуляторларига ўтилмоқда. Тўғридан-тўғри амалга ошириладиган давлат харидлари қўлмали қисқартирилиб, рақобатли усулларга тўлиқ ўтказилди. Рақобатни чекловчи индивидуал ҳусусиятга эга давлат ёрдами, жумладан, эксклюзив ҳуқуқ, имтиёз, преференция ва енгилликлар бекор қилинапти.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Давлат органлари ахборот тизимларини ўзаро интеграциялаш орқали ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар нархлари шаклланиши заنجирининг барча бўғинини рақамли мониторингдан ўтказиш йўлга қўйилди. Рақобатга қарши келишув ва хатти-ҳара-

“Иқтисодий жараёнларда рақобат муҳити яратилмаса, монополияшув даражаси ортиб бораверади. Шу маънода, “Рақобат тўғрисидаги”ги ва “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонуналар бirlаштирилиб, янги тахрирдаги “Рақобат тўғрисидаги” Қонун қабул қилинган, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда таъминлашнинг мутлақо янги мезонлари ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди.

катлар, тил бириктириш ҳолатлари ҳақида маълумот тақдим қилган шахсларни ошқор этмаслик ва муқофотлаш тизими жорий қилинди. Умуман, мазкур концепция самарасида энергетика, нефть-газ, сув ҳўжалиги, йўл қурилиши, темир йўл ва аэропорт хизматлари каби қатор соҳаларда 17 турдаги давлат монополиясини босқичма-босқич тутатиш чоралари қўйилди. Давлат харидларида рақобатга зид ҳаракатларнинг олди олиниб, бу жараёнларнинг шаффофлиги таъминланди. Товар-хонамез биржларида тақдифлар кўпайтирилиб, хариддорларнинг танлаш имконияти кенгайтирилди.

Мутлақо янги мезон

Соҳадаги ишларни янада яхшилаш учун эркин бозор тамойилларини таъминлаш баробарлида кадрлар тайёрлаш тизимини янада кучайтириш талаб этилади. Негаки, товар, молия ва рақамли бозорларда рақобат ҳолатини доимий таҳлил қилиш асносида сўнгги йилларда жойларда 2 мингдан ошик рақобатга зид

ҳужжатлар аниқланган. Уларнинг аксарияти маҳаллий ҳокимлик ва вазирликлар томонидан қабул қилинган. Бу эса Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг худудий бошқармалари ишини жонлантириш, кадрлар малакасини ошириш зарурлигини англатади, албатта. Очигини айтиш керакки, иқтисодий жараёнларда рақобат муҳити яратилмаса, монополияшув даражаси ортиб бораверади. Шу маънода, “Рақобат тўғрисида”ги ва “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунлар бirlаштирилиб, янги тахрирдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда таъминлашнинг мутлақо янги мезонлари ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди.

Унга кўра, мавжуд маъмурий юқини қисқартириш мақсадида кичик бизнес субъектлари, яъни товар айланмаси 3 млрд. сўмдан кам бўлган тadbirkorлар монополияга қарши тартибга солишдан озод этилмоқда. Шунингдек, амалдаги табиий монополиялар соҳа-

эркин қиришини таъминлаш, иқтисодий ўсиш учун қўшимча захира сифатида рақобатни тўлиқ ҳимоялашга хизмат қилади. Қисқача айтганда, соғлом рақобат муҳитини таъминлаш иқтисодиётнинг муҳим “ўсиш нуқтаси” ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик ҳам мамлакатимизда монополияга барҳам бериш ва рақобатни ривожлантириш ишига хизмат қилади. Чунки ЖСТга аъзолик тарифлар, квоталар ва бошқа савдо тўсиқларини қамайтиришни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бозорларни ҳорижий ишлаб чиқарувчилар учун очади ва улар ўртасида рақобатни кучайтиради. Рақобатнинг кучайиши маҳаллий корхоналарни самарадорлиқни оширишга, инновацияларни жорий қилишга ва истеъмолчиларга сифатли маҳсулотларни арзон нархларда тақдиф этишга ундайди. ЖСТ тамойиллари, жумладан, энг кўп қўлайлик яратиш ва миллий режим, барча аъзо давлатлар учун тенг шaroитлар яратади. Бу ҳорижий корхоналарнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан адолатли рақобатлашишини таъминлайди ва дискриминацияга йўл қўймайди.

ЖСТ ўз аъзоларидан савдо сиёсати ва қондалари шаффоф бўлишини талаб қилади. Бу барча корхоналарга, ҳусусан, кичик ва ўрта бизнесга бозор шaroитларини тушуниш ва рақобатлашиш имкониятини туғфа этади. Шаффоқлик, шунингдек, коррупция ва бошқа ноқонуний фаолиятларнинг олдини олишга ёрдам беради. ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш механизми аъзо давлатлар ўртасидаги савдо низоларига барҳам бериш учун мустақил ва холис платформани таъминлайди. Бу адолатсиз савдо амалиётларидан жабрланган корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва рақобатни бузувчи ҳаракатларга қарши курашади.

Ўзбекистонда монополияга барҳам бериш ва рақобатни ривожлантириш иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шу мақсадда қонунчиликни такомиллаштириш, давлат корхоналарини ислох этиш, тартибга солишни қамайтириш, инфратузилмани ривожлантириш ва рақобат муҳити тарғиботига қаратилган изчил чора-тадбирлар қўйилмоқда. Буларнинг барчаси иқтисодиёт барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш фаровонлиғи ошишига, пировардида мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиғи кучайишига хизмат қилади.

Сардор ТУРСУНХЎЖАЕВ,
Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари маркази илмий котиби, фалсафа доктори (PhD).

Жакартадан муносабат:

ИНДОНЕЗИЯ ХАЛҚИ ЎЗБЕКИСТОННИ МУҚАДДАС ЮРТ ДЕБ БИЛАДИ

ва Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш — уларнинг орзуси

Шариф Ҳидоятулло номидаги Жакарта давлат ислом университетида “Мовароуннахрдан Жануби-шарқий Осиёга: ҳадис илмлари ва интеллектуал алоқалар” мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатимиз Дин ишлари бўйича қўмитаси, Мусулмонлар идораси, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси масъул ходимларидан иборат илмий гуруҳ ҳам қатнашди.

Биз ва жаҳон

Конференцияда маъруза қилган индонезиялик ҳадисшунослар Имом Бухорийнинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси, буюк муҳаддиснинг ҳаёт йўли ва илмий-маънавий мероси ҳақида сўз юритиб, бугунги таҳликали ва мураккаб дунёда унинг таълимотини кенг тарғиб қилиш давр талаби эканини алоҳида қайд этди.

Хорижий тадқиқотчилар қадимий манбаларга таянган ҳолда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар бир неча асрлар муқаддам ўрнатилганини таъкидлаб, Индонезия оролларида ислом динининг қарор топишида Мовароуннахр, жумладан, Ўзбекистон дидиридан етишиб чиққан уламолар алоҳида ўрин тутганини эътироф этишди.

Мамлакатимиз делегацияси аъзолари сўнгги йилларда Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда ташкил этилган илм-маърифат марказлари ҳақида тўхтади. Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятига оид маълумотлар алоҳида таъкидланди.

Конференция доирасида Ўзбекистонда диний-маърифий мавзуда чоп этилган асарлар тақдироти ўтказилди. Шунингдек, “Имом Бухорий юртидан келган нур” мавзuida махсус кўргазма уюштирилди. Унда Имом Бухорийнинг ҳадис тўплаш йўлида-

ги меҳнати ва илмий изланишларини акс эттирувчи маълумотлар, Индонезия биринчи Президенти Сукарнонинг 1956 йилда Ўзбекистонга амалга оширган таширига оид фотосуратлар, Индонезияда исломнинг тарқалиши билан боғлиқ тарихий ҳужжатлар намойиш этилди.

Конференция якунида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Шариф Ҳидоятулло номидаги Жакарта давлат ислом университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси Индонезия халқ манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазири Муҳаймин Искандар, экология вазири ўринбосари Диас Хендроприоно, мамлакат Уламолар кенгаши бош котиби Амир Шоҳ Тамбунан билан учрашувлар ўтказди.

Асеп Сайфуддин ЖОҲАР, Шариф Ҳидоятулло номидаги Жакарта давлат ислом университети ректори:

— Ўзбекистон азалдан ислом оламида юксак нуфузга эга бўлган. Бу заминда Имом Бухорий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Имом Мотуридий каби буюк олим ва донишмандлар дунёга келган. Индонезияга ислом дини кириб келиб, мустақкам илдиш отишида Самарқанддан

етишиб чиққан алломаларнинг ўрни бекиёс. Хусусан, Малик Иброҳим Самарқандий шахсияти алоҳида эътиборга молик. Бугунги кунда унинг қабри мўтабар зиёратгоҳга айланган бўлиб, Индонезиядаги “Wali Songo” авлиёлар силсиласининг асосчиси сифатида қабул қилинади. Эътиборлиси, Индонезиянинг Маланг вилоятида Малик Иброҳим Самарқандий номидаги университет очилган.

Университетимизда ташкил этилган илмий-амалий конференция мамлакатларимиз ўртасидаги таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга, Имом Бухорий меросини тадқиқ қилиш ва омалаштириш бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга ҳамда университетлараро мулоқот платформасини яратишга қаратилган.

Арскан САЛИМ, Индонезия Дин ишлар вазирлиги бош директори, Олий таълим ва тадқиқотлар маркази раҳбари, профессор:

Индонезияда қадим Мовароуннахр алломалари катта эҳтиром билан тилга олинади. Улар ислом илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган.

Ўзбекистон деганда, кўз олдимизга Гарбда Авиценна номи билан шуҳрат қозongan, “Тиб қонунлари” асарининг муаллифи Ибн Сино, алгебра фанининг асосчиси Ал-Хоразмий, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ва бошқа кўплаб буюк олимлар, уламо ва файласуфлар келади. Индонезия халқи Ўзбекистонни муқаддас юрт, деб билади. Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш — ҳар бир индонезиялик мусулмоннинг орзуси.

Нур Мовароуннахрдан чиққан. Илм нури ўша ҳудуддан тарқалган. Шунингдек, Ўзбекистон дунё ислом цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган давлат сифатида эътироф этилади.

Эка Шанти РОФИ, «Kalimantan post» газетаси бош муҳаррири:



— Ўзбекистон — ислом илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк зотларни тарбиялаган мўтабар замин. Бу юртининг ҳар қарч ери муқаддас, ҳар гўшаси мўтабар.

“Юзлаб, ҳатто минглаб уламоларнинг айнан Ўзбекистондан етишиб чиқишининг сирини нимада?” деган савол мени узоқ йиллардан бери ўйлантириб келар эди. Юртингизга таширфим давомда бу жумбоқнинг жавобини топгандек бўлдим. Аллоҳ таоло азиз қилган Ватанингиз ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Ўзбекистонда илм ва маърифат нуруни ҳис қилдим. Бу нур бугун бутун дунё, жумладан, Индонезия учун ҳам ғоят муҳим, деб ҳисоблайман.

Мамлакатингиз зиёрат туризми соҳасида ғоят улкан салоҳиятга эга. Бухоро, Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарларни зиёрат қилиш, умри ислом маърифати йўлида ўтган буюк алломаларнинг мақбараларини бориб кўриш — ҳар бир индонезияликнинг орзуси. Бунинг учун эса бор куч ва имкониятларимизни ишга солишимиз даркор.

«Дунё» АА.
Жакарта

ХОРАЗМ томонларда

Битирувчи талабалар учун «Бизнес-марафон»

Урганч шаҳрида олий таълим муассасаларининг битирувчи талабалари учун “Бизнес-марафон” ташкил қилинди. Ушбу тадбир битирувчилар ва иш бевуричлар ўртасида ўзига хос мулоқот кўприги бўлиб, ёшларга ўз кизиқиши ва малакасига мос иш топиш, бизнес фаолиятини йўлга қўйишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



— Давлатимиз раҳбари 30 июнь куни ёшлар билан ўтказган навбатдаги учрашувда Хоразм вилояти навақирон авлод бандлигини таъминлаш бўйича илгор ҳудудга айланганини эътироф этди, — деди вилоят олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи Зиёддин Саъдуллаев.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган “Келажакка қадам” дастури олийгоҳларнинг битирувчи курс талабалари учун бизнес ғояни тайёр лойиҳага олиб бориш, жумладан, қулай шартларда молиялаштиришни назарда тутди. “Келажакка қадам” дастури доирасида вилоятимизда 357 нафар битирувчи 11 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратилиб, янги иш ўринлари яратилди.

“Бизнес-марафон”да битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш учун хусусий сектор имкониятларидан, кичик ва ўрта бизнес субъектларидаги бўш иш ўринларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратилди. Семинар-тренингга қатнашган битирувчи талабалар бизнесда муваффақиятга эришиш сирлари билан ўртоқлашди, ёшлар бўш иш ўринлари ярмаркасида ўзларига маъқул иш топиш имкониятига эга бўлди.

Замонавий сув спорти саройи

Янгибозор туманидаги Ўстлик маҳалласида замонавий сув спорти саройи фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, бу ерда йилнинг тўрт фаслида ҳам сув спорти билан шуғулланиш имконияти мавжуд.



— Сузиш — инсон саломатлигини мустаҳкамлаб, организмнинг чиниқлигини таъминлайди, — дейди тадбиркор Дилфуза Дусимматова. — Шу боис маблагимизни сув спорти саройи қурилишига йўналтирдик ва қисқа муддатда ушбу ажойиб ҳавза бунёд бўлди. Бу ерда бассейн, ювиниш, кийиниш, дам олиш, тиббиёт хоналари мавжуд. Ишонамизки, бундай шароитдан унумли фойдаланган ёшларимиз сув спорти бўйича юксак натижаларни қўлга киритади ва келажакда улар орасидан ҳам чемпионлар етишиб чиқади.

Спорт иншоотининг очилиш маросимида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини омалаштириш, ёш авлодни жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш хусусида сўз борди. Сузиш ҳавзасида ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказишга қаратилган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасидаги мусобақалар бўлиб ўтди.

Одилбек ОДАМБОВ
«Халқ сўзи».

АХСИКЕНТДА ЯНГИ ТОПИЛМАЛАР

Уч минг йиллик тарихга эга кўҳна ёдгорлик — Наманган вилоятидаги Ахсикент ҳаробалари негизида ташкил этилган археологик парк ҳудудида охиқ осмон остидаги музейлар барпо қилиш баробарида ер ости қазилар ишлари ҳам давом эттирилмоқда.

Мозийдан садо



Ўтган ҳафта XI қазув объектида археологлар яна бир нодир ҳазинага дуч келишди. 10 метрга 15 метрлик режали қазув тадқиқотлари жараёнида қуйи қатламдан эрамининг I-II асрларига оид бўлган қизил ангобли кўзча топилди. Бу идиш табобатга оид моддалар учун мўлжаллангани айтилмоқда. Дастлабки тахминларга кўра унда симоб сақланган.

Шу жойнинг юқори қатламларида эса XI-XII асрларга тегишли илмий фаолиятга доир нодир ашёлар — сиёҳдон, кимёвий моддалар ва геологик рудаларни ажратувчи устахона (лаборатория) қолдиқлари аниқланди.



— Сўнгги вақтдаги топилмалар орасида ижтимоий ҳаётда кенг фойдаланилган минг йиллик мургоби, карвонда олиб юриладиган сув идиш, нозик дид билан ишланган нақшинкор ўйинчоқлар, бешик сирли туваклар ва турли лар, бронза тангалар, металл буюмлар ҳам бор, — дейди Ахсикент археологик парк дирекцияси раҳбари Анвар Икромов. — Умуман олганда, биргина жорий мавсумнинг ўзида 4 та йирик муҳандислик қурилмаси ва тўрт мингга яқин турли нодир артефактлар топилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
«Халқ сўзи».

АМУДАРЁ УЗРА ЯНА БИР КЎПРИК ҚУРИЛДИ



Амударё устига Қорақалпоғистоннинг Бўзатов ва Кўнғирот туманларини боғловчи понтон кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу тариқа икки қирғоқ ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилди.

Бунёдкорлик

— Бундай кўприкни биз йиллар мобайнида орзу қилардик, — дейди Бўзатовлик нуруний Қудайберген Тилевлев. — Авваллари Кўнғиротга бормоқчи бўлсак, 200 — 250 километр йўлдан айланиб ўтардик. Эндиликда 30 — 40 километр масофада Кўнғирот ва у ёғига Нукусгача бўлган масофа билан Мўйноққа боришимиз мумкин.

Ушбу кўприк ишга тушиши билан Қорақалпоғистоннинг шимолидаги 9 та туман, яъни дарёнинг ўнг томонида 5 та туман, чап томондаги 4 та туманга боғлиқ қилиш масофаси анча қисқарди. Кўнғирот орқали Қозоғистон ва бошқа мамлакатларга чиқишни ҳисобга оладиган бўлсак, шимолий туманлар учун бу кўприкнинг аҳамияти катталиги янада ойдинлашади.

“Йўл, кўприк қуриш — савобли иш”, дейишади. Қорақалпоғистонда бу бо-

радаги ишлар кўлами кенгайиб, бириккинчисига замин яратмоқда. Президентимиз 2024 йил 29 февраль куни Амударё туманидаги дарё устига қурилган темир йўл ва автомобиль йўлини фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этиб, янги кўприкнинг самарадорлиги, аҳоли ҳаётида тутган ўрнини алоҳида таъкидлаган эди.

Ҳа, Оролбўйидаги хайрли ишлардан юртдошларимизнинг ҳаётдан розилиги, эртанги кунга ишончи ҳам ортиб бормоқда.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
«Халқ сўзи».

БАХМАЛНИНГ ҚИРМИЗИ ОЛМАЛАРИ



Бахмал туманида бўлганмисиз? Қир-адирлар, пурвиқор тоғлар, айниқса, баҳорда ўз номига монанд бахмалдек майсалар билан қопланган кенгликлар мисоли мўъжизанинг ўзи. Мусафқо ҳавоси, зилол булоқлари билан кишиларни доимо ўзига мафтун қилиб келган ушбу маскан кузда ҳам ўзгача гўзалликка бурканади...

Ёз неъматлари

Бахмал туманининг табиати, иқлими, айниқса, олма етиштиришга жуда мос. Буни шу ерлик аҳоли жуда яхши билади. Кўплаб бахмалликлар айнан боғдорчилик билан шуғулланади. Шуғулланганда ҳам астойдил меҳнат қилади. Ерга чин маънода меҳр беради. Балки шу сабабли Бахмал олмаларининг донғи юртимиз бўйлаб кетган бўлса, ажаб эмас. Унинг таърифини сўз билан ифодалаш қийин...

Ҳоликул ака дастлаб 40 гектар майдонда боғдорчилик қилди. Аста-секин бу майдонларни кенгайтириб, ҳозирда 100 гектарга етказди. Отаси чўпон, ўзи эса боғбон!

— Ўн икки йилдан бери соҳибкорлик билан шуғулланамиз, — дейди “Ой жилоси” фермер ҳўжа-

лиги раҳбари Ҳоликул Эргашев. — Боғимизда, асосан, олманинг уч хил нави — “Голден”, “Жеромин” ва “Фуджи” навларини етиштирамиз. Ҳозирча дарахтларимизнинг элиқ фойзи ҳосилга кирган. Қолган қисми икки йилда тўлиқ мева беради. Сув муаммосини, асосан, томчилатиб сугориш орқали ҳал қилганмиз. Шу боис ҳосилдорлик мўл.

Ҳозир фермер ҳўжалигида элиқ нафар доимий ишчи бор. Мавсумга қараб улар сонини 300 — 350 нафаргача етади. Ишчиларнинг ҳар бирига ўз вазифалари аниқ юклатилган.

Олмани шунчаки экиб қўйган билан қўзланган ҳосилини олиб бўлмайди. Унга ҳам ўзига хос эътибор керак. Сувини, озукасини вақтида бериш талаб этилади.

— Ҳар бир дарахт, жумладан, олма ҳам аслида “тирик жон”. У ҳам боғбондан меҳр кутади. Фақат у инсонларга ўхшаб “чанқадим, менга сув, озукка керак”, деб айтолмайди. Асл боғбон ҳар бир дарахтнинг танасига, баргига қараб ўзи бунинг аниқлиги лозим, — дея фикрини давом эттиради суҳбатдошимиз.

Бахмалнинг олмazor боғларини оралар экансиз, беҳиётёр кўзингиз қувнайди. Қизил, сариқ, яшил олмалар... Уларнинг ҳар бири ўзига хос хуштам, ширинликка ва албатта, ўзига хос кўнгиликка ёқар ифтор — ҳидга эга. Бу олмаларга нафақат ички бозорда, балки бошқа мамлакатларда ҳам талаб катта.

“Бахмал” кишлок фуқаролари йиғинида Ҳоликул Эргашев каби 70 нафар фермер томонидан 1000 гектардан ортиқ боғлар ташкил қилинган бўлса, жорий



йилда 400 гектар янги боғ барпо этилди. Туманда бу йил 150 минг тонна олма, 20 минг тонна бошқа боғдорчилик, полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Аммо, афсуски, ҳозирча Бахмалда меваларни сақлаш омборлари етишмайди. Маҳсулот кўпроқ ички бозорга етказилиб берилмоқда. Нархлар унчалик қиммат эмас. Энг юқори сифатли олмаларнинг ҳар бир килограмми саккиз — ўн минг сўмга тўри келади. Келажакда бу ерда консерв ва заводи ҳамда экспорт учун ло-

гистика маркази қурилса, айнаи муддао бўларди. Ҳоликул ака ҳар боғ оралаганда, албатта, фарзандлари, набираларини ёнига олади. Боғбонлик касбини келажакда мерос қолдиришни ўйлаб, уларга боғдорчиликнинг сир-асрорларини ўргатади. Юрт фаровонлиги, эл дастурхонининг тўқилишига ҳисса қўшаётганидан ҳурсанд. Шундай инсонлар бор экан, ҳали бу боғлар бир гўзал боғлар бўлади. Улар сизу бизни доимо ўз барига чорлайверадил.

Рустам НУРМАТОВ
«Халқ сўзи».

Халқаро шахмат федерацияси 3 — 16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида дунёнинг энг кучли шахматчилари иштирокида ўтадиган «FIDE Grand Swiss — 2025» турнири қатнашчилари рўйхатини эълон қилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742, 11 845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳриратта марказида термал ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан сақлалади.
Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Х. Норбоев.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6